



Маълумки, дунё бир жойда тўхтаб турмайди: доимо ўзгариб, янгиланиб боради. Шунинг учун кўпдан-кўп воқеа-ходисаларда ҳам табиий равишда ўзгаришлар, янгиланишлар содир бўлади. Лекин уларнинг мазмун-моҳиятига чуқурроқ назар ташланса, ўзгариш маъно ёки мантикда эмас, кўпроқ шаклда бўлишига тан беришга тўғри келади. Масалан, амал ва амалдорликни олайик. Хамма замонда ҳам амал атрофида алам ва адоват ўраланиб, эргашиб юрган. Мансаб ва мартаба учун олишув, тортишув, хасад ва маккорликлар ҳеч бир даврда тўхтаб қолмаган – хамиша фаол ҳаракатда бўлган. Энг ёмони, хасад ва адоват на истеъдод, на фазилат, на умумэътироф ҳеч нарсани тан олмаган. Мана шу ҳақиқатни Абдулла кодирий “Меҳробдан чаён” романида жуда ёрқин шаклда ёритиб берган.

Халқимизда “Хамма нарсага фаришта омин дейди”, – деган бир қараш бор. “Меҳробдан чаён”даги дастлабки лавҳалардан бирини хотирлаб “Нахотки, фаришта ҳазилга ҳам “Омин!” деса, наинки, самимий ва зариф бир ҳазилнинг таги ҳам зил бўлиб чиқса?” дейсиз.

Ана ўша лавҳа: *Раъно кичкина укалари – Мансур ва Масъуд билан айвонда ўтирибди. Онаси ошхонада манти пишираётир. Отаси аср намозига бориб келиш учун масжидга йўл олади. Кўп ўтмай Анвар ишдан қайтади. Раъно ўрнидан туриб уни қаршилайди. Анвар аввал ерда ўтирган Мансурни, кейин Раънонинг кўлидан олиб Масъудни эркалайди. Сўнг “симобий шохи салласини” олиб, ёстикка ташлайди ва “рўмоли билан қоп-қора бўлиб чиқа бошлаган муртини тузатади”. Раънодан сўрайди:*

“ – Тинчликми?

–Бетинчлик, – деди кулиб Раъно.

–Айни муддао экан бўлмаса... Ха, айтгандек, – деди Анвар ўтирган супасига ишорат қилиб, – букун жой қатта солинган?

–Меҳмон келар эмиш.

–Ёлгонинг курсин, Раъно, – деди Анвар кулимсиб. – қандай меҳмон?

–Мен қаёқдан билай, қандай меҳмон... фотихага кишилар келар эмиш, деб эшитдим.

–Фотихаси қанақа?

–Билмасам қанақа.

Анвар ўйланиб яна кулимсиди:

–Сенинг фотиханг бўлмасин?

–Менинг қандай фотихам бўлсин: мен хали тирикман.

*–Тескарига бурма, Раъно, балки сени эрга бермакчидирлар?*

*Раъно кизариб турди-да, яна гапни кулгиликка олди:*

*–Мени кимга берар эмишлар?*

*–Сеними? – деди кулиб Анвар. – Сени хондан бошка ким олсин?...”*

Бу гапларнинг бари хазил. Хар кандай ошик-маъшук ўртасида шундай хазил бўлиши мумкин. Агар шўрлик Анвар кунлардан бир кун хон Раънога совчи юборишини билганида “Сени хондан бошка ким олсин?” дермиди? Тили кесилганда ҳам бундай демасди.

Раъно-чи? Эрка бир аччикланиш бугун-эрта мудхиш хакикатга айланиши ва қисмати ўзгариб кетишини зарра қадар сезганида Анварнинг “маслахати”га кўнгандай кўрсатармиди ўзини (“Сиз шундай маслахат берсангиз... Мен кандай қилай...”)

Ўзувчи балки хазил йўли билан Анвар ва Раънонинг келажак тақдирига ишорат қилгандир? Аммо китобхон бу тўғрида ўйламайди ва бундай ишорат маъносига унинг инонгиси ҳам келмайди. “Тақдир деган подшоҳ бўлса, ошикларнинг холи танг”, деганларидек, Раънонинг хон харамига боришига йўл очувчи яширин бир сабаблар ҳам бор эдики, бу бевосита Солих Махдумнинг ўтмиши ва шажараси билан боғлиқдир. Солих Махдум романдаги энг пишиқ ишланган образ эканлиги маълум. У ўқувчини ҳам жуда кизиктиради, ҳам кўп мушоҳадага чорлайди.

коралай десангиз – уни тўла коралолмайсиз. Айблаи десангиз – қай бир жойда Махдум, “шу учун ҳам мени айблаб бўладими” деб тургандай. Мактамочки бўлсангиз – баъзи ишлари ва нокасликларини кўриб, “Э, садқаи одам кет!” дегингиз келади унга. Баъзан Раънони ўйлаб, баъзан Анварнинг раъйига қараб, таънаю маломатга ҳам тил айланмай қолади. Кейинги пайтларда бундоқ ўйлаб кўрсам, Махдум жаноблари салбий ё ижобий дея қатъий равишда “рамка”га солинадиган қахрамон эмас экан. Мухими, уни билиш ва тушуниш экан. Зеро, Махдум инсон табиатидаги қамчилик ва чиркиндан-чиркин иллатларнигинамас, ички мураккаблик, ишониш қийин бўлган нафсоний эврилишларни ҳам очиб берадиган серкирра бир образдир. Махдум хақида сўзлаганда ўзувчи тўғри таъкидлаганидек, “унинг шахсига хиёнат ва бўхтон қилишдан” сакланмок лозим. Хакикатда у хасис. Моддий кечими яхши, “устоз Мулла Солих Махдум” бўлиб танилган вақтларда ҳам “қўйлақ, иштонининг аксар етти-саккиз жойидан ямоғи бўлади. Етти қишдан бери гуппи чопон” янгиланмайди. “Факат қиш қелиб кетган сайин алақ гуппининг енги ўзгарибгина туради ва астар ийил сайин янгидан-янги ямоқлар билан бойийди. Шу гуппи бутун умрида биргина мартаба ва шунда ҳам Махдумдан берухсат” тоғора юзини кўрган. Ёки “беш-олти қайта бошлатиб кўнжи бир қаричга қелган айбақи маҳси, қарми усти-устига уюлиб ердан уч энлик қамаси кўтарилган, икки чорак вазнлик қарфни айтмайсизми? “Харчанд эҳтиёт қилинса ҳам неча жойдан қопилтириги осилган оқ бўз қалла-чи?” Унинг “ёши” мағалланинг қўпчилик қишиларига маълум ҳам эмас. Махдумнинг рўзгор юриштидаги зикналикларини таърифлайман десангиз, Раънонинг “қулғулик учун” ёзилган мана бу сўзларидан ошириб бир нима айтолмайсиз:

*Ўғлар тўқилса ерга, ётиб ялар тақсирим.*

*Бўлса бозорда қастлик, қотиб олар тақсирим.*

Отаси вафот этганда Солих Махдум “йигирма ёшлиқ талаба” бўлган. Ўзидан бир неча ёш қаттароқ ақаси отасининг ўлиmidан сўнг Марғилонга имом бўлиб, оиласини қўчириб қетган. Онаси ва Наима исмли ўн олти ёшлиқ сингиси билан Махдум қўқонда қолган. Бирор жойдан даромад йўқ. Оила қўп тангликка тушиб қийналган. Охири Солих Махдум тахсилни тарқ этиб, қорин тўйдирарлик қасб излашга мажбур бўлган. Одамда нафрат қўзғайдиган унинг айрим қаракатлари, хусусан, хасислиги ана шу қаттиқчиликларнинг

рухга сингиб колган ёмон таъсирлари бўлиши мумкин. Хасислик томир отган вужудда таъма барг ёзади. Махдумнинг хасислигини ҳам, таъмагирлигини ҳам тушунса бўлади. Лекин унда хорисона бир ички коралик ҳам бор. Бу офатга у қачон йўликкан? Бу ҳам етимлик, йўкчилик асоратими?

Бу саволга тўғри ва каноатланарли жавоб топмок учун сал олдинга – Махдумнинг шажаравий тарихига бир назар ташлаш зарурияти тугилади. Юкорида айтилганидек, Махдум отасидан ажралганида йигирма ёшлик талаба эди. Демак, бунгача унинг характери деярли шаклланган. Келажакдаги мақсад ва вазифалар ҳам мавхум бўлмаган. Ахир, у кимсан – Олимхон ва Умархон даврларида муфтилик, козилик мансабларида хизмат килган баланд нуфузли бир амалдорнинг невараси эди. “Ота-боболари хонлар қошида мумтоз, халк назарида “шарафли ва мухтарам мавкени” маҳкам саклаб келган киши ўзининг кибор ўтмиши, кондан-конга кўчиб келган хиссиётларидан қандай қилиб тамоман жудо бўлади? Махдумнинг отасидан омад юз бурмаганида, у оддий мактабдор бўлишни хаёлга келтирармиди? Асло келтирмасди. кўконнинг энг эътиборли мадрасасида неча йиллар мударрислик килган ва шахсан Мадалихоннинг назарига тушган одамнинг фарзандига неча амал ва юкори мартаба эшиклари очилмасин? Махдум амалга сизинади. Катта амалдорни кўрса, жонини кўйгани жой тополмай қолади. Нега? Чунки у ўсган мухитдаги ахлоқ шундай бўлган. У худди шундай нуқтаи назар билан тарбияланган. Агар ўша “мумтоз силсила” Махдумгача етиб келганида борми, манаман деган айёр, юлгич мансабдорни ҳам у доғда қолдириши шубҳасиз эди. Лекин...

“Туркистон хонлиги тарихидан хабардор кишиларга маълумдирким, амир Умархон охир умрида ўз саройидаги ёш канизаклардан бирига мухаббат кўяди. Каниз ёш бўлганлиги ва балогатга етмаганлиги учун уни никоҳга ололмай, вақт кутади. Шу кутиш йилларида Умархон муродига етолмай вафот қилади. Орадан бир неча йиллар ўтиб, бояги каниз киз балогатга эришади ва бир хуснига ўн хусн кўшилиб, отанинг боласи бўлган Мадалихонни ҳам ўзига ошиқ қилади”. Ёш хон бу паривашнинг дардида неча йиллар ёниб-қуяди. Аммо ахли уламо кизни Мадалига “она мақомида хисоблаб”, хоннинг унга уйланишини шариат номидан тақийқлайдилар. Хукмдор истаса нима ишлар амалга ошмайди, дейсиз бу дунёда? Хон орзусига қарши чиққан уламони бирин-кетин “илмий” фаолиятдан четлаштиради. Орадан анча вақт ўтказиб оғзи ошга етган янги уламога у фатво сўраб мурожаат қилганда улар “Отангиз марҳум: “никоҳланаман” деб айтган бўлсалар ҳам “никоҳландим” деб айтмаганлар. Бас, амиралмўъмин мазкурани (яъни канизакни – И.Х.) ўз нафсларига аҳди шаръий қилсалар жоиз ва дурустдир, – дея хоннинг тўй ва томошолар билан мурод-мақсадига етишига кенг йўл очиб берадилар. Гўзал канизнинг таърифини эшитган ва унга гойибона ошиқ бўлган Бухоро амири Насруллога бу хабар етиб боргач, уламои киромнинг тесқари фатвоси билан Фаргона устига ул золим юриш қилади. Мадалихонни қатл этади. Унга фатво ёзиб берган олимлардан бир нечаси таъқибга учраб, бир нечалари қочиб қутиладилар. Шулардан бири Махдумнинг отаси бўлиб, у бошга тушган қулфатдан сўнг кўп яшолмай ўлган эди. Буларнинг барчаси Махдумнинг кўз ўнгида содир бўлган, бамисоли оғир тош хотирасида ўрнашиб қолган эди. Шу-шу оиланинг бой берилган имтиёз ва шарафи Солих Махдумга тинчлик бермайди. Унинг бағрида мудраб, яшириниб ётган меросий хис-туйғулар жадд билан Анварни сармунший бўлишга қўндиришга уринаётганда гўё бирданига бош қўтаради: *“Ойига қирқ тилло вазифа, анвойи ҳадяи шохона, яна – элдан қўриладиган обрў, хурмат, хай, хй, хай...”*

Махдумнинг калбини ўртаган, ичдан уни доимо “хай, хай”латган асосий хакикат ана шу эди. Хўш, одамлар нимага мансаб учун интилишади? Махдумни узокни кўра билганлигига койил, албатта. У таъкидлаганга ўхшаш имконият ва имтиёзлардан махрум этилсин – Ҳеч биров мансабу мартабага якин келмайди. Шу маънода Махдумнинг реалистлиги мансаб “фалсафа”сини сафсатага берилмасдан тўғри талкин килишга уриниши макбулдир. Шу билан бир каторда Махдум типигаги одамлар нечоғлик пишик ва билагон бўлишмасин, тақдирнинг ногаҳоний зарбаларидан ҳам четга кочолмайдилар. Ва ўзлари инонган, ўзлари орзу қилган, ўзлари идеаллаштирган хосиятсиз бир кучнинг шарафсиз қурбонлари сафидан жой оладилар.

Мана бу киёсга эътибор беринг: Махдумнинг отаси канизак можаросига аралашади. Мадалихонни қўллаб фатво берувчилар томонида туради. Шунинг учун Бухоро амири золим Насрулло қахрига йўлиқиб, гам-гусса ва мардудликка дош беролмай ўлиб кетади. Унинг ўғли эса Худоёрхонга кизимни бераман деб мусибат жарига қулайди. Ота гўзал канизак воситасида бир ҳукмдорга ёқиш ва мавкеини мустаҳкамлашни кўзлаган бўлса, ўғил иккинчи бир хон билан наслан яқинлашиш умидида ўз кизининг бахтига чанг солиб, шармандаю шармисор бўлади. Натижа эса битта: нафс ва таъмага қурбонлик. Бадбахт Махдумнинг таъмани қоралаб, унинг катта “қопкони”га бўйнидан илингани ниҳоятда ачинарли, албатта. Умуман, инсон қисмати беҳад мураккаб ва чигалдирки, Қодирий асарларини қанча ўқисангиз бунга шунча иқроқ бўласиз.

***Иброҳим Ҳаққул***